

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хонкелдиева Гузал Шеровна

и.ф.д., профессор Фарғона давлат университети

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: тармоқ, тадбиркорлик, кўшилган қиймат занжири, инновациялар, экспорт, даромад, аҳоли бандлиги.

Аннотация

Мамлакатимиз кишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мақолада ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қулай агробизнес муҳитини ва юқори кўшилган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносабатларини ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш, соҳага бозор механизмларини, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш каби масалаларга эътибор қаратилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Кириш

Жаҳонда глобал рақобатнинг кескинлашуви шароитида қайта ишлаш саноати тармоқлари ва аҳолининг кишлоқ хўжалиги хомашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини қондирувчи кишлоқ хўжалиги тармоғининг аҳамияти ошиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра, “бугунги кунда жаҳон кишлоқ хўжалиги иқтисодий фаол аҳолининг 1 млрд. кишидан зиёдини бандлигини таъминламоқда, шунингдек жаҳонда ишлаб чиқарилган жами маҳсулотларнинг 5 фоизига яқини мазкур тармоқ ҳиссасига тўғри келади. Прогноз маълумотлари шуни кўрсатадики, 2050 йилга бориб, жаҳон аҳолиси 9,1 млрд. кишига етиши мумкин. Бу ҳолатда жаҳон аҳолисининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талаби ҳозирги кунга нисбатан 2,5-3,0 баробарга ортиши кутилмоқда”.

Жаҳонда товарлар бозори инфратузилмаси ўзгариши, чакана ва улгуржи савдонинг замонавий кўринишлари пайдо бўлиши, корхоналарнинг рақобат ва истеъмолчи учун курашдаги инновацион фаоллиги ҳамда уларнинг мақсад, манфаат, функция ва жараёнларидаги фарқлар замонавий савдо маркетингида сезиларли ўзгаришларни талаб этади. Савдо маркетингининг асосий объектлари ҳисобланган ишлаб чиқарувчилар, дистрибьюторлар, улгуржи ва чакана

савдо корхоналари ўртасидаги бизнес муносабатларига асосланган узоқ муддатли ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик стратегияларини ишлаб чиқиш масалалари устувор вазифалар сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари савдо-логистика, сотиш ва сақлаш жараёнларини мувофиқлаштириш, бизнес юритишда самарали маркетинг стратегияларидан фойдаланиш асосида иқтисодий ўсишга эришишга қаратилган йўналишларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган илмий тадқиқотлар иқтисодий адабиётларда кенг ёритиб келинмоқда.

Р.Кантильон тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда сотиш ва сотиб олишдаги таваккалчиликларнинг нақадар муҳим эканлигини ўз изланишларида асос сифатида келтирган¹. Унга кўра, тадбиркорнинг дастлабки ва сўнги ҳаракатининг пироварди сотиб олиш ва сотиш ўртасидаги таваккалчиликлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган жараёнлар боғлиқлигидир.

А.Тюрго тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда тадбиркорларда юқори бошқарувчилик қобилиятни шакллантиришнинг муҳим эканлигига урғу беради, чунки ҳар қандай ақлли бошқарувчи ўз қобилияти орқали ходимлар ўртасида ҳамжихатлик ва манфаатлар ҳамоҳанглигига эриша олади².

А.Тюрго Р.Кантильондан фарқли ўлароқ, капиталист ва тадбиркор тушунчаларининг бири-биридан фарқли жиҳатларини аниқ кўрсата билди. А.Тюрго тадбиркор, энг аввало, бошқарувни тўғри ташкил этишлигининг муҳим омил эканлигини ўз илмий изланишларида келтириб ўтди.

Хусусан, иқтисодчи олимлардан А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар «Тадбиркорлик фақат пул топиш эмас, балки яратувчанлик фаолияти орқали даромад олиш омилдир»³ деб таъкидлайди. Яъни, тадбиркорлик фаолияти бу даромад топишга мўлжалланган иқтисодий фаолият саналади, агар у мунтазам равишда фаоллашмаса, иқтисодий ўсиш рўй бермаслигини асосладилар ва улар айнан тадбиркорликнинг сифат жиҳатига эътибор бериш лозим деб ҳисоблашади.

Фикримизча, А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқаришда раҳбардан алоҳида новаторлик қобилиятининг талаб қилиниши, тадбиркорнинг келгусида бозорни бошқаришни энг муҳим жиҳат сифатида қабул қилишига сабаб бўлишини назарда тутишган. Ҳозирда бозор талаби ҳам инсонлар эҳтиёжи учун арзон ва сифатли барча талабларга мос маҳсулотлар ишлаб чиқишдан иборат бўлмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари моҳиятини очишда Қ.Муфтайдинов «Тадбиркорлик иқтисодий фаолиятни ҳаракатлантирувчи куч сифатида иқтисодий маховик бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ва истеъмол талабларини эътиборга олган ҳолда, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди»⁴ дея таъкидлаб ўтди. Бундан тушунишимиз мумкинки, Қ.Муфтайдинов тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда узлуксиз ишлаб чиқариш тамойилига алоҳида эътибор қаратишни муҳим санаган. Ушбу тамойилнинг долзарблик жиҳати истеъмол бозорларида товарларнинг ҳаётийлик даври қисқалиги бозорда узоқ вақт ўз ўрнига эга бўла олмаётганлиги билан тавсифланади.

¹ Cantillon R. Essay sue la nature du commerce en general (1755) Пер с франц. Ю.А.Школенко Социум, 2003. с.17

² Тюрго А. Избранные экономические произведения – М., 1961.-с 17

³ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Меҳнат», 1995. 192-б.

⁴ Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. / Дис. ... икт. фан. д-ри. - Т/, 2004. -18-б.

Иқтисодчи У.В.Гафуров «Кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шакл ва воситалари кичик бизнес соҳасининг ривожланганлик даражасига кўра ўзгариб, унга мос тушувчи воситалар қўлланиб бориши лозим»⁵ деб таъкидлаб ўтган.

Мазкур ёндошувнинг моҳиятига тўхталадиган бўлсак, У.В.Гафуров тадбиркорлик субъектлар фаолиятини тартибга солишда бевосита давлат иштирокининг бўлишини, тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда давлатнинг маълум бир воситалар орқали тартибга солишига эътибор қаратилишига тўхталган.

Ҳ.Абулқосимов ва А.Кулматовлар эса тадбиркорликни «Қонун йўли билан ман қилинмаган иқтисодий унумли фаолият тури»⁶ деб таъриф бериб ўтди. Унга кўра, тадбиркор қонун доирасидан четга чиқмаган ҳолда фаолият олиб боришини назарда тутди. Демак тадбиркорнинг қонуний фаолият юритиши, қонун нуқтаи назаридан, ҳимояланиш даражасини кафолатлаб беради.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бугунги кунда тадбиркорларнинг олдида қўядиган вазибаларини ҳам ўз-ўзидан ўзгартиришини, яъни инновацион муҳитга қараб эгилувчан ҳамда мослашувчан қарорлар қабул қилишни талаб этади.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотларда аграр секторни иқтисодий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, аҳоли сони ва талаблари ўсишини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши билан мутаносиблигини таъминлаш, аграр секторни барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнларини ихтисослаштириш, замонавий инновацион технологиялар ва услубларни қўллаш орқали хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий самарадорлик даражасини ошириш, уларнинг фаолиятига таъсир қилувчи омилларни комплекс статистик тадқиқ этиш, рақобатбардошлигини таъминлаш бу борадаги илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишлари сифатида намоён бўлмоқда.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистонда аграр сектор соҳаси аҳолининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини таъминлаш билан бирга, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилиб, ўтган йиллар давомида соҳага ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида "...тараққиёт стратегияси доирасида амалга ошириладиган энг устувор вазибалардан бири миллий иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қишлоқ хўжалиги самарадорлигини тубдан ошириш ва уни диверсификация қилиш, яъни аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кластер асосида қайта ишлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ жойларида яшаётган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, фермер ва деҳқонлар даромадини 2 баробар кўпайтириш учун зарур шароитларни яратиш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатини камида 5 фоизга етказиш"⁷ каби устувор вазибалар белгиланган.

⁵ Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. / Дис. авт. реф... икт. фан. д-ри. - Т., 2017. -30-б.

⁶ Абулқосимов П., Кулматов А. Тадбиркорлик сермашаккат фаолият. // «Иқтисод ва ҳисобот», 1997, 9-сон. – 9-б.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони. www.lex.uz.

1-жадвал. Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар⁸, минг тоннада.


Маҳсулот тури	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2020 й	2021 й
Дон ва дуккакли экинлар	4 101,4	6 540,9	7 504,3	8 173,5	7 636,0	7 634,6
Картошка	731,1	924,2	1 694,8	2 586,8	3 143,8	3 285,6
Сабзавотлар – жами	2 644,7	3 517,5	6 262,4	9 390,0	10 431,4	10 850,2
Озиқбоп полиз	451,4	615,3	1 182,4	1 853,6	2 134,4	2 285,3
Мевалар ва резаворлар	790,9	949,3	1 676,3	2 467,9	2 812,6	2 852,6
Узум	624,2	641,6	979,3	1 518,2	1 606,9	1 695,3
Сўйиш учун мол ва парранда (тирик вазнда)	841,8	1 061,5	1 461,4	2 033,4	2 519,6	2 635,1
Сут	3 632,5	4 554,9	6 169,0	9 027,8	10 976,9	11 274,2
Олинган тухум	1 254,4	1 966,7	3 061,2	5 535,4	7 781,2	7 788,4
Асал, тонна	2 685,0	2 115,7	3 171,9	10 157,0	13 357,8	14 066,9
Қирқиб олинган жун, тонна	15 849	20 081	26 510	36 029	35 422	36 345
Олинган қорақўл терилар	747,6	688,7	934,9	1 032,0	1 152,1	1 252,4
Пилла, тонна	16 479,0	16 211,0	25 151,8	26 293,0	20 941,9	22 769,9

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида қишлоқ хўжалиги тармоғи асосан пахта ва ғалла экинлари учун ихтисослашганлиги сабабли, юқорида келтирилган жадал маълумотларида дон ва дуккакли дон экинлари таркибида ғалла жудда катта улушга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Кейинги ўринларда маккажўхори дони, шоли ва бошқа турдаги дуккакли экин (нўхат, ловия, ясниқ)ларни етакчилик қилиб келаётганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Айни пайтда жами етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларида фермер хўжаликларининг улуши 53,1 фоизни, жами етиштирилган чорвачилик маҳсулотларида эса 5,3 фоизни ташкил этмоқда.

Ташқи савдо айланмасидаги мева-сабзавот маҳсулотлари экспортида асосий ҳамкор давлатлар Россия (умумий ҳажмдан 30,5%), Қозоғистон (20,5%), Афғонистон (6,6%), Хитой (5,7%), Туркия (4,5%) ва Қирғизистон (4,3%) ҳисобланади.

Статистик таҳлиллар кўрсатишича, мева-сабзавот маҳсулотлари 2017 йилда 876 та экспортёр томонидан 60 та давлатга экспорт қилинган бўлса, 2021 йилда 1 175 та экспортёр томонидан 67 та давлатга экспорт қилишга эришилган (2.1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланган.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланган.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланган.

Юқорида келтирилган расм маълумотларига кўшимча сифатида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти турлари ва географияси йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Дания, Ямайка, Америка самоаси ва Жанубий Африка давлатларига биринчи мартаба 2021 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти амалга оширилди. Шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти турлари ва географияси йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Болгария, Шри-Ланка, Индонезия, Филиппин, Греция, Қатар, Харватия ва Мальта давлатларига биринчи мартаба 2021 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар экспорти амалга оширилди.

Хулоса

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги тармоғида тадбиркорликнинг ролини ошириш юзасидан куйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- аграр секторни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни кўриш, экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестициялари ҳисобидан ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш, янги корхоналарни ташкил этиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш;
- хорижий инвестицияларни киритиш бўйича хорижий фирма ва агрокластерлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган технологияларни олиб келиш, республикада ташкил этилаётган халқаро ярмаркаларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш;
- фермер хўжалиқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга янги имкониятлар туғдириш, хизмат кўрсатувчи тузилмаларни ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарига ўз маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий технологияларни сотиб олиши учун яратилган кенг имкониятлардан фойдаланишга кўмаклашиш чораларини кўриш;
- қишлоқ жойларида ташкил этиладиган саноат корхоналарини хом ашё, электр энергияси, газ билан узлуксиз таъминлаш ҳамда коммуникацион тармоқларни қуришни амалга ошириш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Cantillion R. *Essay sue la nature du commerce en general* (1755) Пер с франц. Ю.А.Школенко Социум, 2003. с.17
2. Тюрго А. Избранные экономические произведения – М., 1961.-с 17
3. Мухитдинова У.С. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари бозорини ривожлантириш йўналишлари. Иқт.фан.док.илм.дар.олиш учун ёзилган дис.авторреф.-Т.:2010.-636.
4. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Меҳнат», 1995. 192-б.
5. Муфтайтинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. / Дис. ... иқт. фан. д-ри. - Т/, 2004. -18-б.
6. Ханкелдиева, Г. Ш. (2020). Пути эффективного развития инновационной деятельности производственных предприятий республики узбекистан. In *Наука сегодня фундаментальные и прикладные исследования: Материалы международной научно-практической конференции. Вологда* (р. 29).

7. Hankeldieva, G. S. (2017). Osobennosti korporativnogo upravlenija v akcionernyh obshhestvah s gosudarstvennym uchastiem. *Bulleten' nauki i praktiki*, (11 (24)).
8. Hankeldieva, G. S. (2017). Perspektivy razvitiya jelektrojenergeticheskoy otrasli respubliki Uzbekistan v uslovijah modernizacii jekonomicheskikh otnoshenij. *Bulleten' nauki i praktiki*, (12 (26)).
9. Хонкелдиева, Г. Ш. (2018). Развитие промышленных предприятий в Республики Узбекистан. Т.: *Иқтисодиёт ва таълим*.
10. Ханкелдиева, Г. Ш. (2018). Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари. *Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати*. Тошкент.
11. Xankeldieva, G. S. (2019). Prospects for the development of investment activity in the field of tourist services: problems and ways of solution. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 10 (78), 780. Philadelphia, USA.
12. Мирзаев А.Т. Туристик-рекреация корхоналари фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлили // *Иқтисодиёт ва таълим*. -2019, №6. 214-219-б.
13. Mirzaev A.T. Assessment of cluster formation in management of recreational activity. *International Scientific Journal "Theoretical & Applied Science"*, Philadelphia, USA. 04, (84), 2020. – 605-610-pp.p -ISSN: 2308-4944. <http://T-Science.org>
14. Mirzaev A.T. Evaluation of innovation capacity resource components in effective management of recreational clusters on the basis of econometric analysis. *EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)*. India. Volume: 5 Issue: 7 July 2020. –P.131-137. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4790>
15. Мирзаев А.Т. Совершенствование системы электронного бронирования как часть цифрования управленческой деятельности туристско-рекреационных предприятий. *Бюллетень науки и практики*. Нижневартовск, Россия. Т. 6. №8. 2020. – 99-104 б. DOI: <https://doi.org/10.33619/2414-2948/57>
16. Мирзаев А.Т. Ўзбекистонда туристик-рекреация корхоналари фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Ишлаб чиқаришнинг кластер усулида ташкил этишнинг зарурияти. *Бизнес-Daily медиа*. -2020, №1. -62-65-б.
17. Мирзаев А.Т. Ўзбекистонда туристик-рекреация хизматларини бошқариш жараёнига омиллар таъсирини баҳолаш. Хитойда саноатлашувни жадаллаштиришда кластерлаш модели хусусиятлари. *Бизнес-Daily медиа*. -2020, №6. -57-61-б.
18. Мирзаев А.Т. Туристик-рекреация кластерларини бошқаришда инновацион салоҳиятнинг ресурс компонентини баҳолаш услугиёти // *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар*. -2020, №4. 4/2020 (№ 00048). 390-401 б. <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
19. Мирзаев А.Т. Туристик-рекреация хизматлар бозорида бошқарув тизимини ривожлантириш истиқболлари // *Иқтисодиёт ва таълим*. -2020, №4. 247-252-б.
20. Мирзаев А.Т. Рекреацион – туризм кластерларини яратиш ёхуд улар орқали ҳудудларда сайёҳлик тизимини ривожлантириш истиқболлари // *Бизнес-эксперт*. Фонд бозорлари фаолияти самараси ва унга тижорат банклари фаолияти таъсири. *Бизнес-Daily медиа*. -2017, №12. -21-24-б.
21. Мирзаев А.Т. Рекреацион туризм хизматлари бозорини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш хусусиятлари // *Бизнес-эксперт*. Миллий иқтисодиёт тармоқларида

иктисодий ўсиш хусусиятлари ва унинг ўзгаришлари таҳлили. Бизнес –Daily медиа. -2018, №11. -63-66-б.

22. Мирзаев А.Т. Туристик-рекреация объектлари кластерларини шакллантириш механизмларини баҳолаш // Иқтисодиёт ва таълим. -2018, №6. -207-213-б.
23. Мирзаев А.Т. Туристик хизматлар бозорида рекреацион туризм хизматларига талабнинг ўзгаришлар таҳлили // Иқтисодиёт ва таълим. -2019, №1. 214-219-б.
24. Мирзаев А.Т. Оценка использования рекреационных возможностей на рынке туристических услуг // Региональная экономика: теория и практика - 2019. №5 (464). Россия. С.990-1002.
25. Мирзаев А.Т. Совершенствование интегральной оценки механизма рекреационно-туристических объектов // Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. №2. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/39>. Нижневартковск, Россия. С.127-134.